




ЕР МАСАЛАСИ ХАКИДА

Махаллий аҳоли орасида яширин ташкилотлардан факат «Турк Адами марказияти фиркаси» гина ер масаласи билан шугулланади. У бу масалани ўз дастурига киритган эди. Бошқа ташкилотларнинг бирортаси ҳам бу тўғрисидаги масалани коғозга туширган, ўз фикрларига эга эмас.

Кўрсатилган ташкилот дастурида ер масаласини акс эттириш вақтида зиёлилар (тараккийпарварлар) Низамутдин Хўжаев, Авлоний, мен ва Афанди Зода билан бир каторда Миродил, Обиджон Махсудов ва уларга ўхшаш савдогарлар ҳам иштирок этган эди. Зиёлилар катта ер эгаларининг ер участкаларини ерсиз кишиларга бўлиб беришни, савдогарлар эса умуман бу ма-сала билан машгул бўлмасликни ва уни дастурга киритмасликни таклиф килади. Зиёлилар кўпчиликни ташкил қилганлиги сабаб ер масаласи куйидаги талкинда дастурга киритилади: «Етарли куч ҳамда сотиб олиш имкониятлари бўлмаганлиги ҳисобга олиниб, катта бойларнинг ерлари ерсиз кишилар ўртасида бўлинганда унинг баъзи бир қисмининг қиммати тўлансин».

Шу билан бирга дастурда уни юқорида айтилган шаклда амалга оширишнинг йўллари ҳам акс эттирил-ди... гап шундаки, махаллий тараккийпарварлар ҳар хил табакаларга мансуб бўлгани учун ҳам, уларнинг ер масаласи тўғрисидаги фикрлари ҳам ҳар хил эди.

Маса-лан, баъзи бировлари ерни умумлаштириш, бошқалари эса хусусий мулкчилик тарафдори бўлди. Аммо кўпчилик ортикча, ўз эгалари ишлай олмайдиган ерларни ижтимоийлаштириш, ишлашга кучи бўлган ер ва боғларга эса тегмаслик керак деган ҳулосага келади. Менимча, махаллий коммунистларнинг кўпчилиги ҳам шу фикр тарафдорлари бўлган эди.

Ер ислохоти вақтида Захритдин Ағлиям ва бошқалар ҳам мендан унга бўлган фикримни сўрашди. Мен уларга умуман ер ислохотига қарши эмаслигимни, аммо уни амалга ошириш усули тўғрисида бошқа ўз фикр-имга эга эканлигимни айтдим. Бу шундан иборат эди: агар бир кишининг 50 десяти ери ҳамда унга тегишли зарурий жонли ва жонсиз хўжалик инвентарлари бўлган бўлса, унга бу ер ва инвентарларни бир бутунлигича саклаб қолиш мақсадида, батрақлар ўртасида бўлиб ташланмасдан, маълум батрақлардан иборат кишлок хўжалик ер участкасини ташкил этиш зарур. Дастлаб эса

бу хўжаликка олдинги ер эгасининг ўзини бошлик килиб колдириш мақсадга мувофиқ бўлади...

Хозирга келиб эса, ер олган батрақлар қайтадан колхозларга бирлашмоқда, шу билан бирга колхозларга олдин батрақларга бўлиб берилган инвентарлар топширилмоқда. Тажриба кўрсатиб турибдики, менинг ер ислохотини ўтказиш усули тўғрисидаги фикрим тўғри бўлган экан.

ХОТИН-КИЗЛАРНИ озод қилиш МАСАЛАСИ ХАКИДА

Маҳаллий зиёлилар хотин-қизларни озод қилиш масалаларида коммунистлар билан бир фикрда бўлди. Буни қуйидагилар исботлаб турибди: 1907 йилдаёқ зиёлилар ташаббуси билан ўғил ва қизлар учун умумий бўлган яғи усулдаги мактаб очилган. Бундан ташқари аёллар учун махсус усули жаҳид мактаблар ҳам ташкил этилган эди. Феврал инқилоби вақтида ўқитувчиларнинг биринчи қурултойи чақирилиб, унинг делегатлари таркибига аёллар ҳам киритилади. Қурултойда ўқитувчилар семинариясини очиш тўғрисида зиёлилар билан (мутаассиб) диндорлар ўртасида қураш авж олди. Мана шундан кейин зиёлилар Шаҳар думаси ва таъсис мажлисига аёллардан делегатлар юбориш масаласида ҳам зиёлилар диндорлар билан қураш олиб боради. Марказда чақирилган умуммусулмон Қурултойида Ўбайдулла Хўжаев Туркистон аёлларини озод қилиш масаласини кўтаради. Бу далиллар шундан гувоҳлик бериб турибдики, маҳаллий зиёлилар аёлларни озод қилиш учун қурашган. Лекин уларда масалани қатъий ва бутун борлиги билан кенг қўйиш учун етарли қуч ва таянч йўқ эди. Бу масалани тўла тўқис ҳал этиш шўро ҳукумати зиммасига тушади. Унда бунинг учун етарли қуч ва имконият бор эди.

Қўпчилик тараккийпарварлар шўро ҳукуматининг бу тўғридаги тадбирларини маъқуллаш билан қўллаб-қувватлайди.

Тараккийпарварлар аслида аёлларни озод қилиш та-рафдорлари бўлса-да, уни амалга ошириш усули ҳусусида бир хил фикрда эмас эдилар. Баъзи бирлари фирка томонидан қўлланилган «Хужум»ни маъқулласа, бошқалари эса уни номаъқул топиб қуйидагиларни тақлиф этади: «Хужум»нинг бор қучини мактаб ва қўрсаларга ҳамда қорихоналарга, ташкилотларга йўналтириб, у ердаги аёлларни озод қилиш қерак. Шундан сўнг ҳамма аёлларни иш ёки мактабларда ўқиш билан таъминлаш зарур».

Мана бу усул, уларнинг фикрича, жуда мақбул ва қўйдалик бўлган. Хозиргача ҳам фиркали ва тараккий-парварлар орасида бу усулни маъқуллаб, то умумий мажлисларда дақиқа емагунча ўз аёлларини очмай қелганлар бор. Бунга улар ҳукуматдан қўрққанидан расмий равишда мажбур бўлган бўлса-да, амалда ўз аёлларини қаранжига янада маҳкамрок ўради.

Агар, энди менинг бу масала тўғрисидаги шахсий фикримга қелсак, мен қўп вақтдан бери аёлларни анча тезроқ озод қилиш, мактабларда эрқаклар билан тенглик асосида ўқитиш ва ишга жалп этиш, уларнинг ҳуқуқларини эрқакларга тенглаштириш йўлида турли хил усулларни қўллаш билан ишлаб қелмоқдаман. Ўзимнинг умр йўлдошимни 1923—24 йилларда очган эдим. У шундан кейин ўқишга қирган. Мен яна шунинг

тарафдориманки, 50 ёшдаги аёлларни паранжи ташлашга мажбур килиш керак эмас, акс холда уларнинг кўпчилиги кўчага чикишдан кўра ўзларининг кулликда бўлишини афзал кўради.

КАМСОНЛИК МИЛЛАТЛАРГА МУНОСАБАТ

Махаллий зиёлилар орасида ёки мавжуд ташкилотларда бирор марта ҳам майда ёки камсонлик миллат-лар масаласи муҳакама килинганлигини эслай олмайман. Шунинг учун ҳам мен бу тўғрида фақат ўз фикримнигина кискача баён қиламан.

Маълумки, подшо замонида миллий камсонлик махаллий аҳоли («беғоналар») ҳукмрон миллат руслар фойдаланган ҳуқуқлардан бебаҳра бўлиб, доимо жабр-зулм остида бўлди. Феврал инқилобидан кейин махаллий аҳоли баъзи бир ҳуқуқларга бўлса-да, маданий қолоқлиги, овруполикларга нисбатан ўзини ҳукмрон миллат қилиб кўрсата олмаганлиги сабабли улардан етарли даражада фойдалана олмайди. Ўша вақтда бу ҳолат билан овруполикларнинг ўзлари ҳам қураш олиб борсалар-да, катта ўзгариш қила олмайди. Октябр инқилобидан сўнг шўро ҳукумати махаллий аҳолини кулликдан қутқариш, унга кўпроқ ҳуқуқ бериш учун тадбир-чораларни амалга оширади. Мана шу билан махаллий аҳоли олдида маориф ишларини ривожлантириш, буюқ рус огмачилиги билан қурашиш имкониятлари пайдо бўлади. Ҳукумат махаллийлаштириш учун бирин-кетин декретлар чиқа-ради, шунда ҳам туб жой аҳолиси ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдалана олмайди.

Айни замонда шуни ҳам айтиш керакки, ҳозиргача ҳам махаллий аҳолига нисбатан рус миллатчилиги так-туғи билан тугатилган эмас. Махаллий дехкон ва ишчиларни «туб жойлилар» («туземцев») деб атаб, уларга шўро ҳукумати берган ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчилар бор. Ҳамма ерда уларнинг таъсири ва қаршиликлари сезилиб турибди. Ўтмишда миллий камсонлик ҳисобланган махаллий аҳоли ва унинг каторида зиёлилар ҳам узок вақт шафқатсиз жабр-зулм тортди. Улар бу тўғрида ўз тажрибасига эга бўлиб миллий камсонлилик нима эканлигини, қандай қилиб азобланганлигини, қанчалик ҳақ-ҳуқуқлари чекланганлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам улар подшо замонидан бошлаб қул қилинган миллат ҳолатидан озод бўлиш учун ҳаракат қилди, орзу билан яшади, аммо ҳеч вақт ўзини ҳукмрон миллат қилиш мақсадини қўймаган. Улар фақат овруполиклар билан тенг ҳуқуқни қўлга киритишни ўйлаган эди, ҳолос.

Менинг фикрим мана шу. Қолган зиёлиларнинг фикри ҳам шундан иборат.

ИТТИФОК МАРКАЗИГА МУНОСАБАТ

Мен тараккийпарварлар ва улар орасидаги ташкилотлар марказга қандай муносабатда

бўлганлиги ҳамда уларнинг максадлари хақида олдин айтганман. Энди эса уларни такрорлашга ҳожат йўқ.

... Туркистон (ёки Ўзбекистон) Иттифокнинг бўлинмас қисмига айланди. Унга тараккийпарварлар ҳам, ташкилот ҳам қаршилиқ қилмади. Фақат Туркистон марказ билан қандай алоқада бўлиши кераклиги хақида гап-сўз бўлди. Бу ҳозиргача ҳам маҳаллий зиёли ва коммунистлар орасида давом этмоқда. Таниқли зиёли ва коммунистлар марказ Ўзбекистоннинг энг майда ишларига ҳам аралашаётганидан норози бўлмоқда.

ТАШКИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН БЎЛГАН ЎЗАРО АЛОКАЛАР ХАҚИДА

Бу ўзаро алоқаларни уч қисмга бўлиш мумкин:

а) «Иттиходи тараккий» ташкилоти Туркия билан алоқа боғлаш учун юборган комиссия Туркияда ҳукумат тўнтариши бўлган вақтга тўғри келади ва учрашиб гаплашиши лозим бўлган одамларни топа олмай, муваффиқиятсизлик билан қайтиб келади. Иккинчи марта юборилган комиссиянинг баъзи аъзолари, юқорида кўрсатилгандек, йўлда тутиб ўлдирилади. Қолганлари эса Москва орқали қайтиб келади.

б) Садирхон томонидан Англия консулига ёзилган хат фақат Авлиё Отагача етиб бориб, у ерда ушлаб қолинганлиги ҳаммага маълум.

в) Менинг Афғонистон консули билан бўлган шахсий алоқам, шўро ҳукуматига нисбатан унинг энг яқин ва дўстона муносабатда бўлган деган тушунча билан боғлиқ бўлди.

Шунинг учун ҳам менинг алоқам шўро ҳукумати олдида гуноҳ бўлади деб ўйламаган эдим.

Мана шу уч ҳолатдан бошқа маҳаллий зиёлилар ва улар орасидаги ташкилотларнинг ташки давлатлар билан алоқаси бўлган эмас. Шунинг ҳам мутлоқ айтиш керакки, буларга ҳозир хорижда муҳожир бўлган ва ўқиётган, у ердан қайтиб келаётган зиёлиларнинг асло алоқаси йўқ.

1930 йил 6 январь

«ИТТИХОДИ ТАРАККИЙ» ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛАРИ ХАҚИДА

«Миллий иттиҳод»нинг унда бирга ишлаган ёки бошқалар орқали менга маълум бўлган аъзолари хақида қуйидагиларни кўрсатишим мумкин: бу ташкилотнинг умуммарказ аъзолари Усмонбек, Хайдар Афанди, Собирхон бўлган. Усмонбекдан кейин унга Юсуфбек ва мен кирдим. Саъдуллаҳўжа, Отахон, Сайидақром, Миён Бузрук (Солихов) ва Убайдулла Хўжаев ташкилотнинг фаол аъзолари эди. Улардан Убайдулла Хўжаев Тошкентда қамғина яшаганлиги сабабли ташкилот ишида унчалик кўп қатнаша олгани йўқ.

Миён Бузрук ҳам четга кетиш тараддуди билан бўлиб, ташкилот ишидан биров четда

бўлган. Аммо ташкилот кандай топширик берган бўлса, бажариб тургани эсимда бор. Бу кўрсатилганлардан ташкари Зиёбек ё Хайдар Афандининг айтишича, мана буларнинг аъзоликка қабул қилиниши белгиланган эди: Мухитдин Шарафутдинов, Файзулла Хўжаев, Лазиз Азиззода, Зухурхўжа, Шамси Хўжаев, Саид Камолхон Домла, Фарид Тоиров, Муса-хон Миразизов, Тангиркулхўжа, Абдикодир Кушбеғиев, Норбўтабеков, Юсуф Алиев, Саидносир Миржалилов, Шахобитдинхон, Эргаш Нурмухаммедов, Сайдвали Семиз, Кудратилла Кори Махзумов, Каюм Рамазанов, Салимхон Тиллахонов, Абдулла Авлоний, Саид Ахроров, Башируллахон Хўжаев, Нажмутдин Шерахмадбоев, Мирхабиб Максудов, Абдуллахон Тожиев, Салохитдин Асамутдинхўжаев, Эшонхўжа Хони, Илхом Ёкубов ва Зоиржон. Бирок, мен бу кўрсатилганларнинг ҳаммаси ташкилотга аъзо бўлган деб айта олмайман.

давоми бор...